

42 ва 48 дюймли Edge™ косилка платформалари учун 2 та қопли материал тўплаш тизими



JOHN DEERE

ОПЕРАТОР ҚЎЛЛАНМАСИ

42 ва 48 дюймли Edge™ косилка платформалари
учун 2 та қопли материал тўплаш тизими

OMUC25970 MYAMMO E0 (UZBEK)

John Deere Power Products

Экспорт версияси
Printed in U.S.A.

Кириш

Жон Дир маҳсулотини харид қилганингиз учун ташаккур

Мижозимиз бўлганлигингизни қадрлаймиз ва маҳсулотимиздан узоқ йиллар давомида хавфсиз ҳамда мамнуният билан фойдаланишингизни истаимиз.

MX00654,000020B-UZ-10MAY17

Оператор қўлланмасидан фойдаланиш

Фойдаланишдан олдин бу оператор қўлланмасини ўқинг, хавфсизлик видеоларини кўринг ва машинадаги хавфсизлик белгиларини кўриб чиқинг. Уларнинг барчаси сиз ҳамда бошқаларнинг хавфсизлигини таъминлашда ёрдам бериши учун риоя қилиниши керак бўлган муҳим хавфсизлик маълумотлари ва ишлатиш кўрсатмаларини ўз ичига олади. Машинани ишлатаётган ҳар қандай шахс қўлланмани ўқигани, хавфсизлик кўрсатмаларини кўриб чиқгани ва машинадан хавфсиз ҳамда тўғри фойдаланишни билишига амин бўлинг.

Машинангиз барча хавфсиз ишлатиш кўрсатмаларига мувофиқ ишлатиш учун мўлжалланган ва қурилган. У ўт ўришга мўлжаллангани учун қўл ва оёқларни кесиши ва буюм улоқтириши мумкин. Хавфсизлик кўрсатмаларига амал қилмасангиз, бу жиддий жароҳат ёки ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Бу оператор қўлланмаси маълумотларни тезроқ топишингиз учун бўлимларга ажратилган. Бу қўлланмадан ишлатиш ва сервис бўйича саволларга жавоб топишингиз мумкин. Бу китобнинг охиридаги индекс керакли маълумотни тез топишингизга ёрдам беради. Саволларингизга бу қўлланмадан жавоб топа олмасангиз, дилер билан боғлангиз.

Машинани ишлатишдан олдин:

- Машинани қандай ишлатишни билиб олинг. Тугмаларни ишлатиш бўлими машинангиз тугмалари ва уларнинг нима вазифани бажаришини тушунишга ёрдам беради.
- Умумий кўрсатмалар бўлимида келтирилган талаб этиладиган кунлик текширувларни бажариш орқали машинангиз ва ўрим майдонини тайёрланг.
- Жароҳатланишни олдини олиш бўлимидаги асосан қуйидагиларга тегишли бўлган кўрсатмаларга риоя қилинг:
 - Болаларни ҳимоя қилиш бўлимидаги кўрсатмаларга амал қилиш орқали болалар хавфсизлигини таъминлаш.
 - Нишаблик ва рельефли ерларда ишлашдаги хатарлар бўлимидаги кўрсатмаларга амал қилиш орқали нишабликлар ва рельефли ерларда ишлаганда жароҳат олишдан сақланиш.
 - Отиладиган жисмлардан сақланиш бўлимидаги кўрсатмаларга риоя қилинг ва барча ҳимоя тўсиқларини, жумладан тушириш новини жойида сақланг.
 - Ёнғинларни олдини олиш бўлимида тасвирланганидек машинадан фойдаланиш давомида ва уни сақлашдан олдин тозалаш.
- Қандай сервис кўрсатишни тушуниб олинг ва машинангизни кўздан кечиринг.

Кўрсатмаларни тушунмасангиз ёки саволлар туғилса, дилер билан боғлангиз.

Бу қўлланмада кўрсатилган машина сизнинг машинангиздан бироз фарқ қилиши мумкин.

ЎНГ ВА ЧАП томонлар машина олдинга қараб ҳаракатланаётган пайтда унинг йўналишига қараб аниқланади. Синиқ чиқиқни (-----) кўрсангиз, ҳавола қилинган элемент кўринмайди.

Максимал самарадорликни таъминлаш учун бу машинани етказишдан олдин дилерингиз текшириб чиққан.

Бу қўлланма машинангизнинг муҳим қисми саналади. Машинани сотганингизда бу қўлланма ҳам бирга берилиши лозим.

OUO2005,000078D-UZ-11FEB20

Махсус хабарлар

Қўлланмангиз хавфсизлик учун хавфли бўлган ва машинангизга зиён етказадиган ҳолатларга эътибор қаратишни талаб этадиган махсус хабарларни, шунингдек ишлатиш ва сервис бўйича фойдали маълумотларни ўз ичига олади. Жароҳатланиш ёки машинангизга шикаст етмаслиги учун барча маълумотларни диққат билан ўқиб чиқинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Бу белги ва матн операторга ёки бошқаларга агар хатар ёки амалиётларга эътибор берилмаса эҳтимолий хавф ёки ўлим бўлиши мумкинлигини ифодалайди.

МУҲИМ: Зиён етишидан эҳтиёт бўлинг! Бу матн операторга машинага зарар етиши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида маълум қилиш учун ишлатилади.

ҚАЙД: Қўлланмада машинани ишлатиш ёки унга сервис кўрсатишда операторга ёрдам бериши мумкин бўлган умумий маълумотлар берилган.

MX00654,000020D-UZ-05JUN17

Сервис адабиётлари

Бу машина учун қисмлар каталоги нусхаси ёки техник қўлланмани харид қилмоқчи бўлсангиз, қуйидаги сайтдаги Жон Дир техник маълумотлар дўконига ташриф буюринг:

<https://techpubs.deere.com/>

ёки қўнғироқ қилинг:

- **АҚШ ва Канада:** 1-800-522-7448.
- **Бошқа барча минтақалар:** Сизнинг Жон Дир дилерингиз.

TH84124,0000199-UZ-05FEB20

Қисмлар

Жон Дир дилерида мавжуд бўлган сифатли эҳтиёт қисмлар ва смазкалардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Қисмларга буюртма берганингизда, Жон Дир дилерига машина ёки мосламанинг серия рақами ёки маҳсулот идентификация (PIN) рақами керак бўлади. Улар бу қўлланманинг Маҳсулоти идентификацияси бўлимида қайд қилинган рақамлардир.

Сервис қисмларига онлайн буюртма бериш

Қисмларга буюртма бериш ёки маълумот учун <http://JDParts.deere.com> сайтига кириш.

TC00531,00000E9-UZ-06MAR15

Мундарижа

Мундарижа

Кириш.....	2
Маҳсулот идентификацияси.....	4
Матнсиз хавфсизлик ёрлиқлари.....	5
Хавфсизлик.....	6
Транспортни тайёрлаш.....	6
Мослама.....	8
Ўрнатиш.....	11
Ишлатиш.....	13
Ечиб олиш ва сақлаш.....	14
Муаммоларни ҳал қилиш.....	18
Жон Дир сифат баёноти.....	19
Индекс.....	20

Оригинал йўриқнома. Бў қўлланмада берилган барча маълумотлар, расмлар ва характеристикалар чоп этилган вақтдаги энг янги маълумотларга асосланади. Исталган вақтда оғоҳлантириш бермасдан ўзгартириш киритиш ҳуқуқи сақлаб қолинган.

COPYRIGHT © 2020
DEERE & COMPANY
Moline, Illinois
All rights reserved.
Previous Editions
Copyright © 2014

Маҳсулот идентификацияси

Маҳсулот идентификацияси

Маҳсулот мувофиқлиги

42 ва 48 дюймли Edge™ 2 талик қоп қадоқлагичлар қуйидаги моделлар билан мос келади.

LA100	D100	E100	S100	L100
LA105	D105	E110	S110	L108
LA110	D110	E120	S120	L110
LA120	D120	E130	S130	L111
LA130	D125	E140	S140	L118
LA140	D130	E150	S150	L120
LA115	D140	E160	S160	L130
LA125	D150	E170	S170	102
LA135	D155		X107	115
LA145	D160		X127	125
LA155			X167	135
LA165				145
				155C

MG39705,0000338-UZ-17MAR20

Харид маълумотларини қайд қилиш

Қуйида кўрсатилган жойга харид маълумотларини ёзиб қўйинг.

ХАРИД ҚИЛИНГАН САНА:

ДИЛЕР НОМИ:


ДИЛЕР ТЕЛЕФОН РАҚАМИ:

OUMX258,0000CEA-UZ-03DEC13

Матнсиз хавфсизлик ёрлиқлари

Матнсиз хавфсизлик ёрлиқлари

Хавфсизлик ёрлиғи жойи



А—Оператор қўлланмасини ўқинг (M169457)

В—Қисм рақами талаб этилади

APY17707—UN—02DEC19

SR99263,0000111-UZ-01APR19

Машинанинг матнсиз хавфсизлик ёрлиқларини тушуниш




TCT005498—UN—11SEP12

Машинанинг бир қатор муҳим жойларида хавф хавф тўғрисида маълум қиладиган огоҳлантириш белгилари ўрнатилган. Хавф тури огоҳлантирувчи учбурчак ичидаги суратда тасвирланган. Унинг ёнидаги суратда жароҳатнинг олдини қандай қилиб олиш мумкинлиги ҳақида маълумот акс этган. Шу хавфсизлик белгилари, уларнинг машинадаги жойлашуви ва қисқа тавсифи хавфсизлик бўлимида берилган.

Бошқа таъминотчилардан олинган эҳтиёт қисмларида бу қўлланмада тасвирланмаган қўшимча хавфсизлик маълумоти бўлиши мумкин.

MX00654,0000389-UZ-21JUN18

Оператор қўлланмасини ўқинг



GXT001478—UN—29AUG14

- Оператор қўлланмасини ўқинг
- Отилган жисмлардан жароҳат олишдан сақланинг
- Ағдарилишдан жароҳат олишдан сақланинг

OVO2004,0000A2A-UZ-29AUG14

Хавфсизлик

Машинанинг оператор қўлланмасидаги хавфсизлик маълумотларини ўқинг

Хавфсизлик бўйича қўшимча маълумот учун машинанинг оператор қўлланмасидаги ишлатишга оид умумий хавфсизлик қоидаларини ўқинг.

OUMX068,0000230-UZ-18SEP13


Хавфсиз тўхтаб туриш

Доим тўхтаб туриш тормозини ишлатинг ва машинани назоратсиз қолдиришдан олдин калитни чиқариб олинг. Қаровсиз қолдирилган машинани болалар ёки бошқалар ҳаракатлантиришга ёки ишлатишга уриниб кўриши мумкин.

- Машинани текис ерда тўхтатинг.
- Ўргич тиглари ва бошқа мосламаларни ўчиринг.
- Мосламаларни ерга туширинг.
- Тўхтаб туриш тормозидан фойдаланинг.
- Моторни тўхтатинг.
- Калитни чиқариб олинг.
- Ўриндикни тарк этишдан олдин мотор ва барча ҳаракатланаётган қисмлар тўхташини кутинг.

OUO2005,0000788-UZ-15FEB20

Болаларни ҳимоя қилиш



MXAL41929—UN—18FEB13

- Операторлар хавфсиз ишлатиш амалиётларига риоя қилмаганда қосилкадан болаларга жиддий жароҳат етиши ёки ўлимга олиб келиши мумкин.
- Орқага юриб ўрманг. Орқага ҳаракатланганда қосилканинг ишлаб туриши тавсия этилмайди.
- Тиглар ўчиқ бўлса ҳам, ҳеч қачон болаларни қосилкага ёки унинг ортидан келаётган прицепга чиқарманг. Улар йиқилиб тушишлари ва қосилка тигларидан жароҳат олишлари мумкин. Болалар қосилка ишлашига ҳалал беради. Олдин бу машинага чиқарилган болалар яна миниш учун ўрим ҳудудида пайдо бўлишлари мумкин. Агар бундан бохабар бўлмасангиз, қосилка уларнинг устидан ўтиб қетиши мумкин.
- Болалар олдин ҳам бундай жараёнда иштирок этган бўлса, кўпинча ўргичлар ва ўриш фаолиятига қизиқиб қолади. Улар тиглар айланып-ими ёки йўқми билишмайди ёки тиглар айланмаётган бўлса ҳам жиддий жароҳатга ёки ўлимга олиб келишини тушунишмайди.
- Ўргич ишлатилаётган пайтда болаларни уйни ичида ва ўриш ҳудудидан узоқда сақланг. Болалар оператордан бошқа жавобгар шахс назорати остида бўлсин. Болаларни уй ичида сақлайдиган жавобгар шахс бўлмаса, ЎРМАНГ.
- Атрофда болалар ёки бошқалар борлигига доимо шай туринг. Кимдир ўриш ҳудудига кирса, тигларни ўчиринг ва машинани тўхтатинг.
- Машина ҳаракатланаётган йўналишга қаранг. Орқага юришдан олдин ёки орқага юриш пайтида ўргич тигларини ўчиринг ва машина пастки қисми ва орқасида болалар йўқлигини диққат билан текширинг.
- Асосан орқага юришда, яхши кўринмайдиган бурчаклар, буталар ёки дарахтлар каби кўришга ҳалал берувчи

объектларга яқинлашганда, ниҳоятда ҳушёр бўлинг. Улар болаларни беркитиб қўйиши мумкин.

MX00654,00002ED-UZ-30MAR20

Сервис ва техник хизмат кўрсатиш

- Машинага тўғри сервис ва техник хизмат кўрсатиш муҳимдир.
- Барча қисмларни яхши ҳолатда сақланг, барча гайкалар ва болтлар мустаҳкам қотирилган бўлсин ва шикаст етса, дарҳол таъмирланг. Бирор бир жисмга урилсангиз, машинани дарҳол тўхтатинг ва кўздан кечиринг.
- Барча хавфсизлик қурилмалари, чиқариш тарнови ва майсаўргичнинг ўт тўплагичи қисмлари яхши ҳолатда эканига амин бўлинг ва керак бўлса алмаштиринг.
- Машинада ишлашдан олдин сервис жараёнларини тўлиқ тушуниб олинг. Сервис жараёнларини тушунмасангиз ёки машинангизда ишлаш ноқулай бўлса, сервис дилери билан боғланг.
- Машинага сервис кўрсатишдан олдин аккумулятор ва барча ўт олдириш свечаларини ажратинг. Дастлаб манфий клеммани, кейин мусбат клеммани ажратинг. Аввал мусбат клеммани, кейин манфий клеммани ўрнатинг.
- Айрим деталлар пружина ва гидравлик қисмларда энергия сақлаган бўлиши мумкин. Сервис бўлимида тасвирланган хизмат кўрсатиш амалиётлари сервис ва техник хизмат вазибаларини қай тарзда хавфсиз бажаришни тасвирлайди.
- Сервис кўрсатиш учун кўтарилиши керак бўлган қисмларни тиргак билан мустаҳкамланг. Зарурият бўлганда, деталларни тираш учун кўтариш тиргаклари ёки сервис тиргакларидан фойдаланинг.

MX00654,00002EE-UZ-30MAR20

Чиқиндилар ва кимёвий моддаларни йўқ қилиш

- Ишлатилган мой, ёқилғи, совитувчи модда, тормоз суюқлиги ва аккумуляторлар каби чиқинди маҳсулотлар атроф-муҳит ва одамларга зиён етказиши мумкин.
- Чиқинди суюқликлар учун ичимлик идишларидан фойдаланманг - кимдир адашиб ичиб қўйиши мумкин.
- Хавфсизлик паспортида (SDS) кимёвий моддаларнинг муайян тафсилотлари берилади: Жисмоний ва соғлиққа зарарлари, эҳтиёт чоралари ва фавқулодда ҳолатдаги амаллар. Машинангизда ишлатиладиган кимёвий маҳсулотлар сотувчиси бу маҳсулот учун SDS билан таъминлашга масъул.
- Сервисдан чиққан чиқинди маҳсулотларни қандай қилиб қайта ишлаш ёки тўғри йўқ қилиш ҳақида билиб олиш учун маҳаллий қайта ишлаш марказига ёки расмий дилерга мурожаат қилинг. Машинани ташлаб юбормоқчи бўлсангиз, маҳаллий қайта ишлаш маркази ёки расмий дилер билан боғланг.

MX00654,00002EF-UZ-30MAR20

Транспортни тайёрлаш

Тўғри балласт ўрнатиш

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Нишабликда ўт тўплагич ёки бошқа мослама билан ишлаш барқарорликка таъсир қилиши мумкин. Зарурият бўлса, тракторингизда олд вазндан фойдаланинг

Мослама олиб ташланса, машинага қўшилган бошқа ҳар қандай балластни ҳам олиб ташланг.

Фақат ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган мослама ва аксессуарлардан фойдаланинг.

Транспортни тайёрлаш


ҚАЙД: Балласт қўшимча барқарорликни таъминлаш учун машинага қўшиладиган қўшимча вазн саналади. Машинангиз учун одатий балласт ғилдирак ёки қути вазнлари бўлиши мумкин. Машинангизга тавсия этиладиган расмий сервис марказига мурожаат қилинг.

MCS нинг жами вазнини тенглаштиришга ёрдам бериш учун тўғри келадиган олд балластни ўрнатинг. Машина қадоқлашни амалга оширмаётган пайтда унинг тўғри ишлаётганлигига амин бўлиш учун MCS олиб ташланганда балластни олиб ташланг.

OUO2004,00009C8-UZ-25JUN14

Мослама

Қисмлар идентификациясини кўриш



Қоплагич ва бункер қисмлари рўйхати		
Банд	Қисм тавсифи	Миқдори
A	Бункер тепаси мосламаси	1
B	Тиргак устуни	1
C	Юқори тушириш нови	1

APY15480—UN—07FEB20

Қоплагич ва бункер қисмлари рўйхати		
D	Пастки тушириш нови (42 дюйм кўрсатилган)	1
E	Косинка штоки	1
F	Ўт қоплари	2
G	Тиғлар: 42 дюйм	2
H	Тиғлар: 48 дюйм	3

Мослама

Қоплагич ва бункер қисмлари рўйхати		
I	Туйнукли юк штифти	1
J	Туйнукли штифт	1

Маҳкамлагичлар рўйхати		
K	Пружинали қулф штифти	4

MG39705,0000193-UZ-12DEC19


Мослама

Мослама учун ҳеч қандай асбоб керак бўлмайди. Машина қуёшдан ҳимоя соябони билан жиҳозланган бўлса, унинг орқа тиргак устуни иккита қопли MCS мосламани ўрнатишга ҳалал бериши мумкин.

MG39705,0000194-UZ-30MAY19

Тиргак устуни ва MCS тиргак элементини ўрнатиш

1. Машинани хавфсиз тарзда тўхтатиб қўйинг. (Хавфсизлик бўлимидаги хавфсиз тўхтатиб қўйиш қисмига қаранг.)
2. Қопламанинг кўтариш дастагини энг қуйи ҳолатга қўйинг. Қуйи тарновни ўрнатишда энг қуйи ҳолатдаги қоплама кўпроқ кириш имконини беради.
3. Ўриндикни олдинга сурунг.




APY24831—UN—04DEC19

4. Орқа косинканинг ўнг томонидаги уяларга тиргак устунининг учигади тилчаларни (A) маҳкамланг.



APY24832—UN—04DEC19

5. Тиргак устунини тракторга қараб юқорига кўтаринг ва тракторнинг орқасида Cargo Mount™ кронштейнлардаги кичик тирқишларга MCS тиргак элементи учларини (A) киритинг.




APY24833—UN—04DEC19

6. Тиргак устунидаги тирқишлар орқали туйнукли юк штифтини (A) ўрнатиш ва пружинали қулф штифти (B) билан маҳкамланг.

MG39705,0000195-UZ-07FEB20


Тиргак устунига бункер қопқоғи мосламасини йиғиш

МУҲИМ: Зиён етишидан эҳтиёт бўлинг! Бункер абразив юзаларга тегиб турса, қирилиши мумкин.



APY24834—UN—07FEB20


1. Тиргак устунда (B) бункер қопқоғи мосламасини (A) ўрнатиш учун уни тиргак устунига теккунча орқага қараб 30 даража эгинг. Сўнгра тиргак устунига (B) бункер қопқоғи мосламасини (A) пасайтириш учун уни тенглаштиринг. Кейин уни штифт (C) пружинали қулф штифти (D) билан маҳкамланг.



APY24835—UN—23JAN20

Тиргак устуни деворининг олд томони ўнда кўрсатилган

2. Рама учи тиргак устуни деворининг олд томонида бўлиши учун уя орқали рама қисмини жойлаштириш билан косинка штокини (A) тиргак устуни уясига ўрнатинг.



APY15477—UN—17MAR20


3. Косинка штокининг туйнукли учини (A) бункер қопқоғи мосламасидаги (B) кронштейнгача кўтаринг ва кўрсатилгани каби тирқиш орқали киритинг. Пружинали қулф штифти (C) билан қотиринг.

MG39705,0000196-UZ-23JAN20

Ўрнатиш


Қопларни ўрнатиш

Бункер қопқоғини очиш



1. Лўкидонни (B) ушлаб, уни бўшагунча тортиш орқали бункер қопқоғини (A) очинг.

APY15474—UN—21MAR19




Бункер қопқоғи очик ҳолати

APY15478—UN—01APR19


2. Бункер қопқоғи кўтарилгач, бункер тепасидаги кронштейн (C) очилади. У тўлиқ очилганда, кронштейн штифт (D) орқали блокланади.

Қопларни ўрнатиш



Бункер қопқоғи ёпиқ ҳолати


APY15472—UN—01APR19



APY17732—UN—13MAR19

1. Ўт қопларини (A) ариқларга суриш орқали ўрнатинг. Олд дастак рама уялари ичида бўлиши учун қоплар тўлиқ олдинга сурилганлигига амин бўлинг.

Ўрнатиш



2. Айлана триггер орқали лўкидонни орқага тортиб, стопор штифтдан (C) кронштейнни (B) бўшатиш орқали бункер қопқоғини (A) ёпинг. Қўйиб юбориш пайтида бункерни бошқа қўлингиз билан ушлаб туринг.

APY24836—UN—04DEC19


SR99263,000010E-UZ-14FEB20

Пастки тушириш новини ўрнатиш

ҚАЙД: Агар ўрнатилган бўлса, чиринди пластинаси қоплагичнинг тушириш найини ўрнатишдан олдин олиб ташланиши керак.

1. Косилка платформасидаги пластик тушириш новини кўтаринг ва шу ҳолатда сақланг.

ҚАЙД: Ички металл рефлекторини кўтариш учун дастлаб рефлекторнинг орқасидан ташқарига тортинг.




APY24830—UN—24JAN20

2. Ички металл рефлекторини (A) кўтаринг, пастки қоплагичнинг тушириш новини (B) косилка платформаси чиқариш тирқиши устидан жойлаштиринг.


ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Отилиб кетиши мумкин бўлган жисмлардан эҳтиёт бўлинг. Тушириш нови мосламаси новнинг шарнир кронштейнига зич ёпишиши ва косилка платформаси тушириш тирқишини тўлиқ қоплаши керак.

ҚАЙД: Қоплагичнинг тушириш нови косилка платформаси тушириш тирқиши ташқарисига зич ёпишиб туриши керак.



APY17734—UN—24JAN20


3. Тушириш тирқишининг олд томонида штифтни (A) чуқурликни ростлаш штурвали кронштейнидаги тешик (B) орқали суринг.



APY15479—UN—07FEB20


4. Новни йўналтирувчи штифтдаги (B) пружинали қулф штифтини (A) киритиш орқали маҳкамланг.
5. Тушириш нови орқа томонини маҳкамланг:

Ишлатиш



APY15471—UN—13DEC19

- 42 дюймли қопламада пастки тушириш нови орқа томонини косилка қопламасига қараб айлантиринг. Тушириш новидаги орқа планка илгагини (A) қопламадаги уяга (B) киритинг.




GXT001525—UN—18JUN14

- 48 дюймли қопламада пастки тушириш нови орқа томонини косилка қопламасига қараб айлантиринг. Чуқурликни ростлаш штурвали кронштейнининг бурчагида (B) орқа планка илгагини (A) киритинг.


SR99263,0000131-UZ-24JAN20

Юқори тушириш новини ўрнатиш




APY17705—UN—20FEB19

1. Юқори тушириш новини (A) бункер қопқоғининг тирқишига киритинг.



APY18522—UN—05DEC19

2. Ариқчани (C) болт (D) билан тенглаштириб, тепа тушириш нови қуйи қисмини (C) пастки новнинг юқорисидан (B) суринг.



APY15476—UN—12DEC19

3. Резина фиксаторни (E) пастки новдаги болтга (F) илдириг.

SR99263,000010F-UZ-05DEC19

Ишлатиш

MCS энг юқори самарадорлигига эришиш

Қоплаш бўйича маслаҳатлар

МУҲИМ: Зиён етишидан эҳтиёт бўлинг! MCS машина ёки косилка чегарасидан чиқиши мумкин. Қисқа бурилишларда косилка билан дарахтлар ёки биноларни уриб юбормаслик учун эътиборли бўлинг.

Моторни тўлиқ тезликда ишлатинг. Мотор секинлашса, юриш тезлигини пасайтиринг.

Ўтни фақат қуруқ бўлганда тўпланг: Ўт нам бўлса, нов ва MCS га тикилади.

Бункер қопқоғи ёпиқ бўлсин.

Ўриш ва тўплашдан олдин барча тош, тош парчалари, шохлар ва бошқа чиқиндиларни териб олинг. Ўтни илк марта ўрганда, баландроқ ўринг, чунки косилка ёки MCS мосламасига шикаст етказиши мумкин бўлган кўринмайдиган тўсиқларни дастлаб аниқлаб олиш лозим.

Ечиб олиш ва сақлаш

МУҲИМ: Зиён етишидан эҳтиёт бўлинг! Ўриб олинган ўтларни қопларда қолдирманг:

- Намлик қопларга шикаст етказиши мумкин.
- Нам ўтларнинг ёниш хавфи мавжуд.

Ўт ёки барглари тун давомида ёки узоқ вақт мобайнида қопларда қолдирманг. Барг ёки ўтдан чиқадиган намлик қопларнинг шикастланишига олиб келади. Нам барглари ёки ўт қопда бўлганда ёнувчан бўлади ва аланга чиқиши мумкин. Шу боисдан барг чиқиндилари солинган қоплар ёки ўт тўплаш мосламасини тўлган ёки қисман тўлган қоплар билан гаражда ёки бошқа ёпиқ жойда асло сақламанг. Майдаланган ўтлардан аъло даражадаги компост тайёрлаш мумкин. Улардан, шунингдек, боғ қаторлари ёки гуллар, буталар ва дарахтлар атрофида чиринди сифатида фойдаланиш мумкин.

MCS учун ҳаво оқимини таъминлаш

MCS да иш самарадорлиги яхши бўлиши учун косилкадан қопларга ҳаво оқими кучли бўлиши керак. Ҳаво оқими яхши бўлиши учун қуйидаги тавсияларга риоя қилинг:

- Нов, бункер қопқоғи, панжара, қоплар ва косилка остки қисмини тоза тuting.
- Қўлда бошқариладиган дроссел дастагини тез ҳолатда, аммо юриш секин тезликда бўлсин.
- Косилканинг орқа томони олд томонидан 13 мм (1/2 дюйм) дан баланд бўлиб кетмаслиги учун косилкани олдиндан орқага томон даражаланг.
- Косилкани баландроқ ўрадиган ҳолатда ишлатинг.
- Косилканинг ейилган ёки шикастланган қисмларини алмаштиринг.

Қопларни тўлдириш

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Айланаётган тиглар жисмлар ёки чиқиндиларни отиб юбориши мумкин. Тушириш нови ёки ўт тўплагич, чиринди тикини ёки тўсиғини олиб ташлаш ёки ўрнатишдан олдин моторни тўхтатинг.

- Ўрилган ўтлар бункер қопқоғининг ойнасигача борганда, новга тикилиб қолмаслиги учун қопларни бўшатинг. Одатда чапдаги қоп биринчи тўлади.
- Ингичка пояли ўтларни ўраётганингизда ўнг қоп тўлиқ тўлмаслиги мумкин. Ҳаво оқимини камайтириш учун моторни секинлаштирганингизда қоп тўлиб қолади.
- Ағдарилиб кетмаслиги учун қияликларда ишлаётганда қоп 1/2 қилиб тўлдиринг.

MG39705,00001BD-UZ-12APR19

Косилка ёки материал тўплаш тизимини узиш

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Машина ишлаб турганда, мосламани узишга уринманг.

- Айланаётган тиглар хавфли. Машина ва мосламани кўздан кечириш учун ўриндиқни тарк этишдан олдин моторни ўчириш ва калитни чиқариб олинг.
- Отиладиган жисмлар жиддий жароҳат етказиши мумкин. Бункер қопқоғини кўтаришдан олдин ёки новларни олишдан олдин машинанинг барча қисмлари тўхтаганлигига амин бўлинг.

Ишлаётган пайтда тикилиб қолишларни текшириш

Агар косилканинг тушириш нови олд томонида ўт тўпланиб қолса, новга ўт тикилиб қолмагани йўқми ёки пуфлагич мосламасида (жиҳозланган бўлса) муаммо борми ёки йўқми текширинг.

Агар косилка ортида кесилган ўтлар бўлса ёки улар ён томонга сачраган бўлса, новга ўт тикилиб қолмаганлигини, тўплагич

қоплар тўлганлигини ёки пуфлагич мосламаси билан боғлиқ муаммоларни текширинг.

Текширилган жойлардан чиқиндиларни олиб ташлаш:

⚠ ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Ўт тикилиб қолган косилка қопламаси ёки пуфлагич мосламасини тозалаш учун қўл ёки оёқларни ишлатманг. Сақланиб қолган энергия тигларни айлантириб юбориши мумкин.

1. Машинани хавфсиз тарзда тўхтатиб қўйинг. Машинани кўздан кечириш учун машинадан тушишдан олдин барча ҳаракатланаётган қисмлар тўхташини кутинг.
2. Бункер қопқоғини очинг. Нов чиқишини текширинг.
3. Косилка қопламаси ёки пуфлагич мосламасидан новни ечиб олинг. Новнинг кириш тирқишини текширинг.
4. Косилка қопламаси остида чиқиндилар бор ёки йўқлигини текширинг.


OUC2004,00009E8-UZ-20JUN14

Ечиб олиш ва сақлаш

Қоплагич мосламасини ечиб олиш


Юқори ва пастки тушириш новини ечиб олиш

1. Пастки тушириш новининг орқа томонини бўшатинг:



APY15471—UN—13DEC19


- 42 дюймли қопламаларда чиқариш новидаги планка илгирини (A) қопламадаги уядан (B) чиқаринг.



GXT001525—UN—18JUN14


Ечиб олиш ва сақлаш

- 48 дюймли қопламаларда чуқурликни ростлаш штурвали орқа кронштейнининг бурчагидан (В) орқа планка илгагини (А) бўшатиш.




APY15479—UN—07FEB20

2. Йўналтирувчи штифтдан (В) пружинали қулф штифтини (А) чиқариш орқали новнинг олд томонини бўшатиш ва чуқурликни ростлаш штурвали кронштейни тешигидан йўналтирувчи штифтни (В) чиқариб олинг.



APY15476—UN—12DEC19


3. Резина фиксаторни (Е) пастки новдаги болтдан (F) ажратинг. Пастки новни юқори нов мосламасидан чиқаринг.



APY17705—UN—20FEB19


Юқори тушириш новини (А) бункер қопқоғининг тирқишидан чиқаринг.

Қопларни олиб ташлаш



APY15474—UN—21MAR19


1. Лўқидонни (В) ушлаб, уни бўшагунча тортиш орқали бункер қопқоғини (А) очинг.



APY15472—UN—01APR19

Бункер қопқоғи ёпиқ ҳолати


Ечиб олиш ва сақлаш



Бункер қопқоғи очик ҳолати


APY15478—UN—01APR19

2. Бункер қопқоғи кўтарилгач, бункер тепасидаги кронштейн (C) очилади. У тўлиқ очилганда, кронштейн штифт (D) орқали блокланади.



APY17732—UN—13MAR19


3. Тилчалар (B) ташқарисига суриш орқали майса қопларини (A) олиб ташланг.



APY24836—UN—04DEC19

4. Айлана триггер орқали лўкидонни орқага тортиб, стопор штифтидан (C) кронштейнни (B) бўшатиш орқали бункер қопқоғини (A) ёпинг. Қўйиб юбориш пайтида бункерни бошқа қўлингиз билан ушлаб туринг.

Қоплагич тиргаги штоки ва бункер қопқоғи мосламасини олиб ташлаш



APY15477—UN—17MAR20

1. Пружинали қулф штифтини (C) бўшатиш. Бункер қопқоғини (B) оҳиста кўтаринг ва ундан косинка штокини (A) олиб ташланг. Косинка штокини тиргак устунидан олиб ташлаш учун косинка штокини (A) пасайтиринг. Косинка штокини (A) чиқаринг.


Ечиб олиш ва сақлаш



2. Бункер қопқоғи мосламасини (А) олиб ташлаш учун пружинали қулф штифти (D) ва штифти (C) ечиб олинг. Тиргак устунидан (B) бункер қопқоғи мосламасини (А) юқорига сулинг ва уни эҳтиёткорлик билан олинг.

APY15475—UN—05DEC19

Тиргак устунини олиб ташлаш




APY24833—UN—04DEC19

1. Пружинали қулф штифтини (B) ечиб олинг ва тиргак устунидан туйнукли юк штифтини (A) чиқаринг.



APY24832—UN—04DEC19

2. Тракторнинг орқа томонида CargO Mount™ кронштейнларидаги кичик тешиклардан қоплагичнинг тиргак штоки учларини (A) чиқариб олинг ва тиргак устунини орқа косинкага қараб пастга тушинг.



APY24831—UN—04DEC19

Муаммоларни ҳал қилиш

3. Орқа косинканинг ўнг томонидаги уялардан тиргак устунининг учидаги тилчаларни (А) чиқариб олинг.

MG39705,000028C-UZ-14FEB20

Мосламани сақлаш

ДИҚҚАТ: Жароҳатдан сақланинг! Ёқилғи буғлари портловчи ва ёнувчандир. Мотордан чиқадиган тутун таркибида ис гази мавжуд бўлиб, бу жиддий касаллик ёки ўлимга олиб келиши мумкин:

- Машинани сақладиган жойдан олиш ёки у ерга қўйишда моторни етарлича узоқ вақт юргизинг.
- Машина совишидан олдин сақланса ёки мотор ва глушитель атрофларидан чиқиндилар олинмаса, ёки алангаланадиган материаллар яқинида сақланса, машина ёниб кетиши ёки ёнғин содир бўлиши мумкин.
- Машинани бино ичида, яъни ёнилғиси буғланиб, очиқ аланга ёки учқунга етадиган жойда сақлаганда унинг бакида ёнилғи бўлмасин.
- Бирор бир ёпиқ ҳудудда машинани сақлашдан олдин моторни совитинг.

ҚАЙД: Қуйидагилардан айримлари мосламангизга нисбатан қўлланилмаслиги мумкин.

1. Мосламани машинадан ажратинг.
2. Жиҳозланган бўлса, мослама ва трансмиссияни тозаланг.
3. Чиқиндилардан тозалашга зарурият бўлганда, ҳар қандай тўсиқни олиб ташланг.
4. Ейилган, эскирган ёки шикастланган қисмларни таъмирланг ёки алмаштиринг. Бўшаб қолган деталларни қотиринг.
5. Коррозияни олдини олиш учун зарурият бўлса бўяладиган жойларни бўянг.
6. Зангламаслиги учун тигларга озгина сурков мойи суртинг.
7. Занглашни олдини олиш учун шарнирларни мотор мойи билан смазкаланг.
8. Смазкаланадиган жойларни тўлиқ смазкаланг.

МУҲИМ: Зиён етишидан эҳтиёт бўлинг! Абразив юзалар мосламани шикастлаши мумкин. Мосламани абразив бўлмаган юзада ёки ёғоч блокларда сақланг.

9. Агар мосламани ташқарида сақласангиз, имкони бўлса уни ҳимояланг ва устидан сув ўтказмайдиган қоплама ёпинг.

JK79365,0000188-UZ-29JUL15

Муаммоларни ҳал қилиш

Муаммоларни ҳал қилиш жадвалидан фойдаланинг

Жадвалда кўрсатилмаган муаммога дуч келсангиз, сервис учун техник қўлланмага қаранг ва расмий дилерга мурожаат қилинг.

MP47322,00F467B-UZ-13NOV18

MCS муаммоларини ҳал қилиш

АГАР	ТЕКШИРИНГ
Майса тўлиқ йиғилмаяпти.	• Ўт фақат қуруқ бўлганда ўринг. • Косилканинг юриш тезлигини пасайтиринг. • Қопларни бўшатинг. • Бункер қопқоғидаги панжарани тозаланг. • Новни чиқариб олинг. • Косилка тигларининг кесиш учларини текширинг. • Мотор тезлигини тўлиқ тезликка оширинг. • Ременнинг ейилганлиги ёки сирғанишини текширинг.
Новга ўт тиқилиб қолмоқда.	• Ўт фақат қуруқ бўлганда ўринг. • Қопларни бўшатинг. • Бункер қопқоғидаги панжарани тозаланг. • Косилканинг юриш тезлигини пасайтиринг. • Қоплар тўлганда косилкани тўхтатинг; қоплар/бункерни тез-тез текшириб туринг.

MG39705,00001BB-UZ-21MAR19

Жон Дир сифат баёоти

Мамлакатингизни танланг ва Contact Us ҳаволасига босинг.

SP66632,00043A7-UZ-10MAY17

Жон Дир сифати

Жон Дир ускуналарини харид қилиш - бу шунчаки харид эмас, балки сифатга киритилган сармоя ҳамдир. Бундай сифат нафақат бизнинг ускуналаримизда, шунингдек, Жон Дир дилерлари эҳтиёт қисмлари ва хизмат таъминотида ҳам кафолатланади. Мамнун бўлишингиз учун сизни шундай қўллаб-қувватлаш биз учун муҳимдир.

Шу боисдан ҳам сизда саволлар ёки муаммолар пайдо бўлса, Жон Дир уларга жавоб топишга ёки ҳал қилишга киришади. Қуйидаги учта босқич бу жараёнда сизни йўналтиришга ёрдам беради.

1-босқич

Оператор қўлланмангизга қаранг

A. Қурилмаларни хавфсиз ва тўғри ишлатиш ҳақида қўллаб-таъминлар ва батафсил маълумотлар келтирилган.

B. Уларда муаммоларни ҳал қилиш амалиётлари ва спецификация маълумотлари берилган.

C. Уларда қисмлар каталоглари, сервис ва техник қўлланмалар учун буюртма маълумотлари берилган.

D. Бу қўлланмада саволларингизга жавоб топа олмасангиз, 2-босқичга ўтинг.

2-босқич

Дилерингиз билан боғланинг

A. Жон Дир дилерингиз саволларингизга жавоб бериш, муаммоларингизни ҳал қилиш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳамда сервисга бўлган талабингизни бажариш учун жавобгарлик, ваколат ва қобилиятга эга.

B. Дастлаб, саволлар ёки муаммоларингизни дилерингизнинг эҳтиёт қисмлар ва сервис бўйича малакали ходими билан муҳокама қилинг.

C. Агар эҳтиёт қисмлар ва сервис бўйича ходимлар муаммоларингизни ҳал қилиб бера олмаса, дилерлик менежери ёки эгасига мурожаат қилинг.

D. Агар шунда ҳам муаммоларингиз ҳал бўлмаса, 3-босқичга ўтинг.

3-босқич

Жон Дир билан боғланинг

A. Жон Дир дилери ҳар қандай масала бўйича мурожаат қилишда энг самарали манба саналади, аммо оператор қўлланмасини текшириб, дилерингизга боғланганингиздан кейин ҳам муаммоларингиз ҳал бўлмаса, Жон Дирга ёрдам учун боғланинг.

B. Тез ва самарали ёрдам учун боғланишдан олдин қуйидаги маълумотлар сизда бўлиши керак:

- Сиз билан ишлаб келаётган дилернинг номи.
- Ускуна модели рақами.
- Машинадаги соатлар рақами (қўлланилса).
- Бу қўлланманинг ички олд қопламасида сиз қайд этган серия рақами.
- Муаммо мослама билан боғлиқ бўлса, мосламанингизнинг идентификация рақами.

C. Шундан сўнг 1-800-537-8233 рақамига (Қўшма Штатлар ва Канада) қўнғироқ қилинг ва бизнинг маслаҳатчилар муаммони текшириб чиқиш учун дилерингиз билан ишлайди. Агар АҚШ ва Канададан ташқарида бўлсангиз, қуйидаги сайтга ташриф буюринг:

http://www.deere.com/globalhome/deerecom/global_home.page?CC=true

Индекс

Б

Балласт, машина 6

Е

Ёрлиқлар, матнсиз хавфсизлик 5

И

Ишлаётган пайтда тиқилиб қолишлар, текшириш 14

М

Мосламани сақлаш 18

Муаммоларни ҳал қилиш 18

Муаммоларни ҳал қилиш жадвали 18

Т

Тушириш новини ўрнатиш

Тушириш нови, ўрнатиш 12

Тўплағичда ҳаво оқими 14

Х

Хавфсизлик ёрлиғи жойлари 5

Хавфсизлик ёрлиқлари, матнсиз 5

Харид маълумотлари, қайд қилиш 4

Ч

Чиқиндиларни олиб ташлаш

Чиқиндиларни тозалаш 14

Э

Эҳтиёт қисмлар 2

Қ

Қисмлар, дастлабки идентификация 8

Қоплагич, ўрнатиш 11

Қоплагичнинг тиргак элементи, мослама 9

Қоплагичнинг юқори тушириш нови, ўрнатиш

Қоплагичнинг юқори тушириш новини ўрнатиш 13

Қопларни тўлдириш 14

Қоплаш бўйича маслаҳатлар 13

Қортозалағич мувофиқлиги 4